

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МАТТИЕВ ИЛҲОМ БЕГМАТДУЛОБОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРДА САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
(БИЗНЕС ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of the abstracts of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
sciences**

**Маттиев Илҳом Бегматдулобович**

Талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни  
шакллантириш (бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари мисолида) .....3

**Маттиев Илҳом Бегматдулобович**

Формирования мышления у студентов, направленного на охрану  
здоровья (на примере сфер бизнеса и оказания услуг) .....21

**Mattiev Ilhom Begmatdulobovich**

Forming the thought of students directed to protect the health  
(in the example of in business and services) .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications .....44

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05. РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**МАТТИЕВ ИЛҲОМ БЕГМАТДУЛОБОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРДА САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ  
(БИЗНЕС ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАЛАРИ МИСОЛИДА)**

**13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped135 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Махмудова Муяссар Махмудовна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Чориев Абдушукур Чориевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Маъмуров Баходир Бахшиллаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51)

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Х.И.Ибраимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ш.Ураков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф. ф. д (PhD)

**Н.Ш.Шодиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда таълим ва тарбия тизимидаги инновацион ўзгаришлар замирида инсоннинг саломатлигини асрашга йўналтирилган саломатлик педагогикаси (*“health care”*) жадал ривожланмоқда. Аҳолининг жисмоний ва руҳий саломатлиги ва тетиклиги давлатнинг цивилизация даражасини белгилаб, миллатнинг барқарор ривожланиш кўрсаткичини намоён этади. Бу ўринда инсоннинг ўзида саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккур ва эҳтиёжни шакллантириш муҳим аҳамият касб этиб, жамиятдаги соғлиқни сақлаш инфраструктураларида педагогик самарадорликни таъминлашга хизмат қилувчи тадқиқотлар кўламнинг ошиши кузатилмоқда.

Дунё таълим тизимида ўсиб келаётган авлод саломатлиги ҳар қандай халқнинг миллий қадрияти сифатида эъзозланиб, ушбу масалага муҳим ижтимоий-педагогик вазифа сифатида ёндашилмоқда ҳамда давлат истиқболи, миллат генофонди, мамлакат тараққиётидаги иқтисодий, интеллектуал, антропоген потенциал, унинг демографик таъминоти, жамият тараққиётини белгиловчи масалаларга оид илмий тадқиқот ишларини олиб боришга зарурат ошаётганлиги намоён бўлмоқда. Бу эса, ёшларни соғломлаштиришга йўналтирилган конструктив-профилактик технологиялар, тизимлашган ва интеграциялашган моделларни таълим жараёнига татбиқ қилиш, талабаларни зарарли одатлар таъсиридан ҳимоя қилишга мўлжалланган инвариантли-табақалаштирилган технологиялардан фойдаланиш, таълим муассасаси, ижтимоий институтлар, оила ва шахснинг валеологик ва профилактик фаолиятини оқилона ташкил этиш мазмунига янгича ёндашиш, қараш, муносабат, моҳият, шакл, мезон, талабни такомиллаштириш масалалари алоҳида долзарблик касб этишини кўрсатмоқда.

Республикамизда соғлом турмуш тарзини жорий этиш таълим тизимидаги ислохотларнинг муҳим бўғини бўлиб, ҳозирда у мамлакатимиз ривожланиш стратегиясининг устувор вазифасидир. Мустақиллик йилларида “Соғлом авлод учун” давлат дастури давлат сиёсатининг устувор мақсадига айланди. Олий таълим муассасаларида “Валеология” фани ўқитилмоқда. Жисмоний тарбия, спорт фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида фундаментал ўзгаришлар жорий этилди. Тиббиёт тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича 2025-йилгача мўлжалланган 7 йиллик ривожлантириш Концепцияси, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишида 130 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро учун қабул қилинди. Бу ўз навбатида, аҳолининг саломатлигини асрашга йўналтирилган тафаккур ва эҳтиёжни шакллантириш бўйича мақсадли тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

Фармон ва Қарорлари, соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда соғлом тафаккур, соғлом маданиятнинг ижтимоий-фалсафий жиҳатлари Т.Маҳмудов, С.Отамуродов, А.Очилдиев, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, А.Эркаев, У.Қорабоевларнинг тадқиқотларида, айрим психологик хусусиятлари Ғ.Шоумаров, В.Каримова, Э.Ғозиев, Н.Сафоев, З.Нишонова каби олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўрганилган.

Соғлом турмуш тарзи ва гигиеник тарбия, оилавий тарбия масалалари О.Мусурмонова, Д.Шарипова, М.Маҳмудова, С.Р.Мухамедиева, Ф.Абдурахимова, Т.Улматқуловларнинг тадқиқот ишларида атрофлича тадқиқ этилган.

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари тадқиқотчилари И.Ю.Абросимова, М.З.Зангиева, Е.А.Меньш, В.Г.Паутов, Э.И.Поднебесная, Т.В.Каменская, А.Ф.Гиоргиевский каби олимларнинг тадқиқот ишларида соғлом турмуш тарзи ва соғлом маданиятни шакллантиришнинг педагогик жиҳатлари ва муаммоларига бағишлаб, илмий изланиш олиб борганлар.

Хориж олимлари Р.Бантон, Г.Макдональд, К.Тонс, С.Тилфорд, А.Скривен, С.Гарманн каби олимларнинг тадқиқот ишларида инсон саломатлигини асраш, соғломлик қадриятлари ва соғлом маданиятни шакллантириш масалалари тадқиқ этилган.

Бироқ, юқорида таъкидланган илмий-тадқиқот ишларида бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси таҳсил олувчиларида саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантиришнинг педагогик технологияси махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг педагогик-психологик асослари” мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси ва “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” (2017-2021 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бизнес ва хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бизнес ва хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантириш

тушунчасининг педагогик дефинициясини белгилаш, унинг мазмунига доир миллий ва хорижий ижтимоий-педагогик қарашларни қиёсий-типологик ўрганиш;

бизнес ва хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган талабаларда “*health care*” тафаккурини шакллантиришнинг инновацион методик стратегиясини ташкилий ва технологик жиҳатдан асослаш ҳамда модернизациялашган дидактик таъминотини ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялар ва интерфаол метод, шакл, воситалар асосида “*health care*” тафаккурини шакллантиришнинг педагогик технологиясини ишлаб чиқиш ва тажриба-синовдан ўтказиш;

“*health care*” тафаккурини шакллантиришнинг экспериментал даражаси ва самарадорлигини белгилаш, уларга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасалари бизнес ва хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган “*health care*” тафаккурини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Гулистон давлат университети, Жиззах политехника институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд давлат чет тиллар институтидаги 240 нафар талабалар жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида “*health care*” тафаккурини шакллантиришнинг шакл, восита, усул ва технологиясидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида соғлом турмуш тарзига доир ўқув-илмий манбалар, ДТС даги концептуал фикрларни таҳлил қилиш, қарашларни ўрганиш, анализ ва синтез, педагогик кузатув, ретроспектив таҳлил, суҳбат, моделлаштириш, сўровномалар ўтказиш, мониторинг, интервью, тест, педагогик тажриба-синов, аналитик обзор, математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

олий таълим муассасалари бизнес ва хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган “*health care*” тафаккурини шакллантиришнинг педагогик шакллари (аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар), методлари (коллоборатив дискуссия, тарғибот диалоглари, лойиҳалаш), усуллари (профилактик ҳимояловчи, компенсатор, рағбатлантирувчи) аниқлаштирилган;

педагогик жараённи “*health care*” асосида лойиҳалашнинг компонентлари (инновацион ғоя, педагогик жараённи моделлаштириш, педагогик эксперимент); дидактик мезонлари (акмеологик ва аксиологик, интеграцион, фасилитацион, контекст, ситуацион, адаптацион таълим) аниқланган;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида “*health care*” тафаккурини шакллантириш асослари белгиланган, унинг дарс жараёнидаги ва дарс жараёнидан ташқаридаги тизимларининг педагогик вазифалари, шарт-шароитлари аниқланган ва педагогик жараённинг яхлит педагогик модели ишлаб чиқилган;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган “*health care*” тафаккурини шакллантиришнинг инновацион-методик стратегияси, унинг экспериментал даражаси, баҳолаш даражалари ва мезонлари, педагогик жараёни модернизация қилишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган “*health care*” тафаккурини шакллантириш ва саломатлик профилактикасига доир икки кунлик семинар-тренинг машғулоти дастури ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

мутахассисликка доир квалиметрик кўрсаткичлар доирасида “*health care*” тафаккурини шакллантириш бўйича инновацион ёндашув ва илғор қарашлар асосида таълим таъминоти ишлаб чиқилган;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган “*health care*” тафаккурини шакллантириш учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида педагог кадрларнинг компетентлигини ривожлантиришга доир махсус курс дастури ишлаб чиқилган;

“*health care*” тафаккурини шакллантиришга доир ёшлар ва ёшлар муассасалари, оила, маҳалла, ННТ ва педагогик олий таълим муассасасининг интеграцион таълим жараёни асосларига доир таклифлар мажмуи ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот мавзусининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” мақсадларига мослиги, талабаларда саломатликни асраш тафаккурини шакллантириш бўйича мавжуд замонавий илмий-назарий қараш ва ғоялар, жаҳон тажрибасининг ўрганилганлиги, уларнинг қиёсий-таҳлилий равишда тадқиқот мазмунига татбиқ қилинганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи ва таълим узвийлигини таъминловчи инновацион педагогик методларининг қўлланилганлиги, тажриба-синов ишлари ўтказилганлиги ва уларнинг репрезентативлиги, натижаларнинг математик - статистик методлар ёрдамида қайта ишланиб, тадқиқот иши самарадорлиги тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган “*health care*” тафаккурини шакллантиришга оид назарий ёндашув, қараш, ғоя, технология билан бойитилганлиги, олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда амалиётда тажрибадан ўтказилган педагогик қарашлар, интерфаол усуллар ва методик тавсиялардан таълим жараёни мазмуни такомиллаштирилганлиги, янгиликларни таълим жараёнига татбиқ этиш механизмлари ишланганлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти, билдирилган тавсия, ишланма ва қарашлардан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, дарсликлар муаллифлари,



тадқиқотчилар, ёш мутахассислар ўз мутахассислик фаолиятларини такомиллаштиришда, махсус курслар ва амалий тренингларни ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

олий таълим муассасалари бизнес ва хизмат кўрсатиш йўналишида таҳсил олаётган талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” тафаккурини шакллантиришда маҳаллий ҳокимият, соғлиқни сақлаш, таълим тизимининг ўзаро мувофиқлашган яхлит педагогик моделига доир таклифлардан ИОТ 2013-1-19 рақамли “Республика иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини етук ва касбий кўникмага эга кадрлар билан таъминланишда касб-ҳунар коллежларида адабиётларни ташкил этилишининг аҳамияти” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 25 октябрдаги 89-13-4159-сон маълумотномаси). Натижада талабаларнинг соғломлаштиришга йўналтирилган тафаккури, ахлоқий сифатлари, тегишли касбий компетенциясини шакллантириш, уларнинг турғун интеллектуал-эмоционал категорияга айланиши таъминланган;

“Миллий ғоя ва ёшлар дунёқарашини шакллантириш” ўқув қўлланмасини яратишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат кенгашининг 2018 йил 20 сентябрдаги 02/09-1014-18-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ва соғлом қилиб тарбиялаш бўйича ўқув таъминоти яратилган, таълим муассасаларида таълим субъектларининг соғломлаштириш фаолиятини тизимли ташкил қилиш жараёни такомиллаштирилган;

“health care” тафаккурини шакллантиришда интеграция асослари, унинг интеллектуал, бошқарув, психологик, коммуникатив, рефлексив аспектларига доир таклифлардан Гулистон давлат университети, Жиззах политехника институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Самарқанд давлат чет тиллар институтларида талабаларни соғломлаштиришга йўналтирилган тизим ва технологияни жорий этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 11 августдаги 89-03-2796-сон ҳамда 2018 йил 29 майдаги 01-02/2-2-159-сон маълумотномалари). Натижада, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида “health care” тафаккурини шакллантиришнинг асослари белгиланиб, унинг дарс жараёнида ва дарс жараёнидан ташқаридаги педагогик жараённинг яхлит педагогик модели ишлаб чиқилишига эришилган;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ҳар бир кишида ўз саломатлиги учун масъуллик туйғусини шакллантириш бўйича тадқиқот хулосалари ва тавсияларидан Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг туман, шаҳар, вилоятлар миқёсидаги тадбирларида фойдаланилган (Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2018 йил 7 сентябрдаги 02-04/488-сон маълумотномаси). Натижада, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Тошкент вилояти ва шаҳри маҳаллаларида ёшларнинг соғлом турмуш тарзига бўлган эътиқодини ривожлантириш, уларнинг зарарли одатлардан ўзини асраш малакалари ва масъулиятини таъминлашга эришилган;

бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантиришга доир хулоса ва тавсиялардан, хусусан, ишлаб чиқилган инновацион ёндашувлардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти самарадорлигини ошириш ва янги босқичга кўтариш бўйича чоратadbирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 17 августдаги 04-13/4505-сон маълумотномаси). Натижада ёшлар ўртасида зарарли одатлар, юқумли касалликлар, ижтимоий касалликларнинг олдини олиш, репродуктив саломатлик, оила саломатлигига оид янги қарашларни шакллантиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 12 та, жумладан, 5 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 та республика, 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 152 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, унинг фан ва технологиялар ривожининг устувор йўналишларига мослиги асосланиб, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида “health care” тафаккурини шакллантириш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, “health care” тафаккурини шакллантириш технологияси тушунчаси, унинг педагогик моҳияти ва вазифалари, “health care” тафаккурини шакллантиришнинг мавжуд аҳволи муаммолари кўриб чиқилган.

Сўнгги вақтларда саломатлик, саломатликни асраш ва муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи, соғлом тафаккур каби тушунчаларни тарихий-

ижтимоий, фалсафий-психологик, ахлокий-эстетик категория сифатида англаш жараёни кузатилмоқда. Чунки саломатликни муҳофаза қилиш жараёни серқирра тушунча бўлиб, унинг таркибий қисмлари ва талаблари жуда кенг ва кўп қирралидир. Ўзбекистондаги мавжуд тадқиқотларда “саломатлик”, “турмуш тарзи”, “соғлом турмуш тарзи”, “соғлом маданият”, “гигиеник тарбия”, “саломатлик кадриятлари”, “саломатликни муҳофаза қилиш”, “саломатлик тамойиллари”, валеология, “соғлом тафаккур” кабиларнинг ижтимоий, тиббий ва педагогик моҳиятини ёритишга саъй-ҳаракат қилган бир қатор ёндашувлар мавжуд.

**Бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассислари ўз фаолиятларини мустақил олиб бориш жараёнида атроф-муҳит хавфсизлигига, бевосита инсон саломатлигига ижобий, салбий ва ёки ўта салбий таъсир ўтказиши мумкин.** Чунки кичик ва ўрта бизнес, хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассислари ошхоналар фаолиятини ташкил қилиш, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, кийим-кечак, тола, мато ишлаб чиқариш, кийим-бош тикиш, савдо-сотик каби фаолият турлари билан бевосита шуғулланадилар. Мана шу жараёнда бизнес ва хизмат кўрсатиш мутахассисларидан нафақат ўзларининг саломатликларини асрашга йўналтирилган англаган фаолият, балки **уларнинг бизнес маҳсулоти ва хизмат кўрсатишидан фойдаланаётган инсонлар саломатлигини асрашга йўналтирилган тафаккур ва фаолият тақозо этилади.** Демак, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассисларида саломатликни асрашга йўналтирилган “health care” тафаккури шакллантирилса, бутун жамиятда саломатликни асраш муҳитини шакллантириш имконияти яратилган бўлади. О.Жамолдинованинг фикрига кўра, маданият тушунчасининг асосида эса тафаккур туради. Айнан маданиятли одамни маданиятсиз одамдан ажратиб турадиган омил-инсонда шакллантирилган маълум “билим, кўникма ва малакаларга риоя эта олиш” жараёнида ўзини намоён этади. Чунки саломатлик кадрияти, И.Ю.Абросимованинг фикрига кўра, инсон учун соғлиқнинг жуда катта аҳамияти асосига қурилган тафаккур бўлиб, унинг аҳамияти инсонлар жамияти, ҳар бир индивид, ижтимоий гуруҳлар, синфлар учун ўз аҳамиятини йўқотмайди ҳамда уларнинг барчаси учун авлоддан авлодга етказиладиган бош гуманитар кадрият саналади.

“Health” сўзининг маъноси саломатлик, соғлиқ, соғ-саломатлик тушунчаларига тўғри келади. “Care” сўзининг маъноси эса, муҳофаза қилмоқ, меҳрибонлик кўрсатмоқ, асрамоқ сўзларига тўғри келади.

“Health care” га эга бўлиш – яшаш тарзида саломатликни асраш ҳақидаги илмий-назарий қараш, ғоя, билим, феъл-атвор, хулқ ва ахлоқ нормалари, турмуш тарзи, амал, саъй-ҳаракат, фаолият мажмуи бўлиб, инсоннинг ҳаёт тарзида атроф муҳит билан бўлган иқтисодий, ижтимоий, таълим ва меҳнат муносабатларининг ўзаро мувофиқлашган, бир-бирига зиён етказмаган ва муҳофазаланган тарзда амал қилиши ва намоён бўлишидир.

АҚШда саломатлик муҳофазасини тизимлаштиришнинг етти бош йўналишлари, яъни, масъулиятли ҳамда устувор соҳалари белгиланган,

мазкур йўналишлар ҳаётга татбиқ этилган бўлиб, кенг фаолият олиб боради. Мазкур йўналишлар саломатликни муҳофаза қилиш педагогикасининг етти масъулиятли йўналишлари деб аталади.

<b>“HEALTH CARE” МАЗМУНИ</b>			
<b>Билимлар</b> билиш; англаш; тушуниш; қабул қилиш; қарорлар; амал қилиш; мезон қилиб олиш; ҳаёт тарзи; ҳаёт қонунияти.	<b>Малака ва кўникмалар</b> рационал; овқатланиш; гигиена; кун тартиби; ухлаш; жисмоний ҳаракат; руҳий осудалик; хотиржам бўлиш; стрессларга тайёрлик; акт дан ҳимояланганлик; тиббий кўрик.	<b>Тафаккур</b> фикр; қараш; тушунчалар; нуқтаи назар; тасаввур; онг; қадрият; мезон; эътиқод; ишонч; идрок.	<b>Яшаш тарзи</b> феъл атвор; қадамлар; саъй-ҳаракатлар; одат; урф; соғлом турмуш тарзи; фаолият; соғломлик инфраструктураси; рағбат.

**1-расм. “Health care” мазмуни**

Саломатлик педагогикасининг муҳим етти йўналишлари қаторига: (1) саломатлик муҳофазаси педагогикасини ҳаётга жорий этиш стратегияси, тадбирлари ва дастурлари; (2) саломатлик педагогикаси стратегияси, тадбирлари ва дастурларининг бошқаруви; (3) саломатлик учун ва саломатликни муҳофаза этиш учун муаммоларни ўрганиш; (4) саломатлик педагогикаси бўйича илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва молиявий таъминлаш; (5) саломатлик педагогикаси стратегияси, тадбирлари ва дастурларини режалаштириш; (6) шахс саломатлигига қаратилган хизматларни ташкил қилиш; (7) шахсий ва умумий аҳоли саломатлигини муҳофазаси бўйича эҳтиёжларни ўрганиш каби йўналишлар киритилади.

Саломатликни асраш “health care” тафаккурининг хорижий эллардаги анъанавий мазмуни ва йўналишларидаги баъзи бир ўринларни бизнинг мамлакатимиздаги мавжуд тушунчалар билан ўзаро таққосласак, қуйидаги натижалар улардаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни намоён этади. Бинобарин, саломатлик ва соғлом турмушга оид қарашлар тизимини ўрганишда маълум тамойилларга эътибор қаратиш тақозо этилади:

**-тарихийлик тамойили** (кўриб чиқиладиган мавзу инсоният ва ўзбеклар тарихида қандай ривожлантирилган);

**-илмийлик тамойили** (унинг таркибига қандай масалалар киритилган ва улар қандай ечилган);

**-педагогик тамойиллар** (мазкур тушунчани шакллантиришга оид барча педагогик тизимлар, педагогик мазмун, шакл, восита ва услублар характеристикалари қандай бўлган).

Диссертациянинг **“Бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни**

**шакллантириш жараёнини ташкил этиш тизими ва технологияси”** деб номланган иккинчи бобида “health care” тафаккурининг педагогик мазмуни, уни шакллантиришнинг шакл, восита, метод ва технологиялари, “health care” тафаккурини шакллантиришда ўқитувчи компетенцияси муаммолари кўриб чиқилган (2-расм).

<b>“HEALTH CARE”</b>			
<p><b>ТУШУНЧАЛАР ТАРКИБИ</b></p> <p>Тиббий саломатлик; Тана ва жисмоний саломатлик; Ижтимоий муҳит ва соғломлик инфраструктураси; Эмоционал саломатлик; Меҳнат инфраструктураси соғломлиги; Табий офатларга тайёрлик; Фавқулодда вазиятларга тайёрлик; Соғломлик маҳсулотларининг мавжудлиги; Соғломликни назорат қилиш тизими ва мониторингининг мавжудлиги.</p>	<p><b>ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАР</b></p> <p>Таълим ва тарбия жараёни мақсадига киритилганлиги; Таълим мазмунига киритилганлик; Жисмоний тарбия ва спорт инфраструктураси; Тизимнинг коррупциядан холилиги; Оммалашганлик; Давлат ва жамият мақсадларининг уйғунлашуви; Кадрлар компетенцияси; Соғлом рақобат.</p>	<p><b>ПЕДАГОГИК ИНФРАСТРУКТУРА</b></p> <p>Жисмоний тарбия инфраструктураси; Спорт инфраструктураси; Қизиқишлар бўйича инфраструктура; Миллий-ментал мослашув; Жараённинг режалаштирилганлиги ва системали амалга оширилиши; Ўқув жараёнига мувофиқлашув; Моддий таъминланганлик.</p>	<p><b>ПЕДАГОГИК ЁНДАШУВЛАР</b></p> <p>Тизимлилик; Узвийлик; Давомийлик; Босқичлилилик; Мунтазамлилик; Узлуксизлик; Интеграция; Шахсга йўналтирилганлик; Аксиологик; Акмеологик; Экологик; Ривожлантирувчи; Контекст; Эвристик;</p>

**2-расм. “HEALTH CARE” тузилиши**

Мазкур қўйилаётган “health care” тафаккурини ОТМ даги зарур тиббий-физиологик инфраструктураси масаласида тадқиқот олиб борувчининг имконияти доирасида ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммоларнинг мавжудлиги қаторида, бизнинг иродамиз ва хоҳишимиздан ташқари мавжуд бўлиб, педагогик жараён сифатини оширишга хизмат қилувчи, бироқ таълим тизими бошқарувида энг юқори даражада қарорлар қабул қилиниши билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам мавжудлиги аён бўлди.

“Health care” тафаккури ижтимоий муҳит маҳсулидир. У тарихий-ижтимоий, фалсафий-психологик, ахлоқий-эстетик ва педагогик категориядир. У педагогик категория сифатида ижтимоий муҳитдан ташқарида шаклланмайди. Уни шакллантириш учун педагогик муҳит зарур. Демак, “health care” тафаккурини шакллантириш учун уни шакллантиришга қодир бўлган ижтимоий муҳитни яратиш зарур.

Бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларида “health care” тафаккурининг ижтимоий мазмунини қуйидагилардан иборат қилиб белгиладик:

*Талабаларнинг ўзларининг шахсига оид “health care” талаблари:* тана соғломлигини таъминлаш, тана ҳаракати бўйича тиббий нормаларга бўйсунуш, тиббий кўрикдан мунтазам ўтиш, ўз танасининг тиббий кўрсаткичларини билиш ва уларнинг мазмунини англаш, масалан, УЗИ, қоннинг умумий ва биохимик ташхиси, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш, репродуктив саломатлик асосларини билиш, ўзини жинсий касалликлар ва муносабатлардан асраш, йигитлик ва қизлик, бокираликни муҳофаза қилиш, оилавий саломатлик асосларини билиш, техник воситалар,

хусусан IT технологиялар зарарини билиш, ва.х.к.

*Талабалар яшаётган ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда келиб чиқадиган “health care” хусусиятлари:* ўзгараётган ижтимоий-сиёсий воқелик, илм-фан тараққиёти, хусусан, генетика, инновацион фармацевтика, “интеллегент-аклли” дорилар, клонлаштириш, тана аъзоларини сунъий ўстириш, тана аъзолари инплантацияси, тана технологиялар, сунъий тана аъзоларини яратиш, глобализация, замонавий экологик, молиявий, мафкуравий таҳдид, савдо-сотикнинг кескин ривож, маданиятлар аралашуви, сунъий товарлар, шу жумладан, озиқ-овқатлар, масалан, сунъий гуруч, тухум, зарарли ўйинчоқлар, юқумли ва енгиш қийин касалликларнинг тарқалиши, масалан, эбола, мафкуравий носоғломликдан ўзини асраш ва.б.

“Health care” тафаккурига эгалик маънавий, ахлоқий, мафкуравий сифат бўлиб, саломатликни муҳофаза қилишга йўналтирилган шахсий ғоялар, қарашлар, позициялар мажмуи бўлиб, шахс уларни турғун ва барқарор ҳаётини мақсад ва яшаш тарзи сифатида ўз ҳаётида намоён этади.

Педагогик компетенция сифатида таълим жараёнини олиб бориш учун етарли даражадаги ўқитувчининг профессионал ва шахсий сифатлари мажмуи ҳам англашилади. Педагогик компетенция бевосита таълим самарадорлиги билан боғланади ҳамда педагогик компетенцияга эга бўлган ўқитувчи таълим самарадорлигини олий даражада таъминлаб берувчи шахс эканлиги таъкидланади<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан ўқитувчи фаолиятидаги педагогик компетенция бир неча муҳим йўналишлардан иборат мураккаб воқеликка айланади. Улар мажмуи ўқитувчи фаолиятининг тугал, етук ва талаб даражасидаги шакллантирилган компетенциясини вужудга келтиради. Улар: *интеллектуал аспект, бошқарув аспекти, психологик аспект, педагогик аспект, коммуникатив аспект, рефлексив аспект.*

Саломатликни асраш йўналишидаги педагогик жараёнда ўқитувчидан таълим мазмунига нисбатан қуйидаги талабларнинг бажарилиши тақозо этилади: илмийлик; жараённинг тарбиявий ва ривожлантирувчи характери; ҳаёт тарзи билан узвий алоқадорлик, замонавий талаб ва инновациялар, ахборот технологиялар ва турли гажетлар билан ишлаш; назария билан амалиётнинг узвий алоқадорлигини таъминлаш; таълим жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда инновацион педагогик технологиялар; интерактив методлар, хусусан саломатликни асраш педагогик технологияларидан фойдаланиш.

Диссертациянинг **“Бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари талабаларида саломатликни асрашга йўналтирилган тафаккурни шакллантириш технологиясининг самарадорлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида “health care” технологиясини тажриба-синовдан ўтказиш методологияси, унинг даражаси ва мезонлари ҳамда “health care” тафаккурини шакллантиришга хизмат қиладиган технология самарадорлигининг статистик таҳлили масалалари кўриб чиқилган.

---

<sup>1</sup>Мартыненко А. В. Теория и практика медико-социальной работы [Текст]: учебное пособие / А.В. Мартыненко. — М.: Гардарики, 2007. — 159 с.; Назарова Е.А. Основы социальной медицины [Текст]: учебное пособие / Е.А. Назарова, Ю.Д. Жилов. — М.: Издательский центр «Академия», 2007. — 368 с.

Тадқиқот уч босқичда амалга оширилди. *Биринчи, назарий англаш босқичида* диссертация мавзусига оид тарихий, фалсафий, маданий-маърифий, педагогик ва психологик илмий-назарий манбалар чуқур ўрганилди. Саломатликни асраш соҳасида мавжуд ҳолатнинг педагогик мазмуни, уни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ва воситалари, методлари ва технологиясига оид барча қарашлар қиёсий ўрганилди ва умумлаштирилди. Барча йиғилган материаллар тартиблаштирилди ҳамда мавзу доирасида уларга бўлган шахсий қараш ва муносабат, тегишли илмий хулосалар ишлаб чиқилди.

*Иккинчи, экспериментал ўрганиш босқичида* тадқиқотда амалга оширилиши режалаштирилган тажриба-синов ўтказиш масалалари тажриба-синов режаси, базаси, уни олиб бориш ва ўтказиш шарт-шароитлари, гуруҳларни ажратиш, уларда белгиланган тадбирларни амалга ошириш, натижаларни олиш ва педагогик амалиёт самарадорлигини оширишга йўналтирилган тизимларни ишлаб чиқиш нуктаи назаридан ишлаб чиқилди.

*Учинчи, натижаларни умумлаштириш ва расмий шакллантириш босқичида* тадқиқотнинг амалий ва илмий натижалари тизимлаштирилди, хулосаланди ва умумлаштирилди, барча олинган материаллар диссертация матни сифатида расмийлаштирилди.

Тажриба-синов доирасидаги анкета-сўровномалари бир неча босқичда талабаларга тарқатилди. Бу жараёнларни бир-бирлари билан узвий боғлаб турадиган вазият белгиланди. У – анкета-сўровномалар жараёнига тортилган талабаларнинг ҳар бир босқичдан ўтганлигида ўзини намоён этади. Билим ва кўникмаларнинг ортиб бориши билан анкета-сўровномалари саволларига берилган ижобий жавоблар сони ҳам ортиб борганлиги кузатилди.

Респондентлар олдида соғлом турмуш тарзи мавзуидаги махсус ишлаб чиқилган саволларга жавоб бериш вазифаси кўйилди. Мазкур жараён натижаларининг тўғрилигини таъминлаш ва белгилаш, шунингдек, унинг самарадорлигини ошириш мақсадида респондентлар орасида махсус тушунтириш ишлари олиб борилди. Респондентларнинг тўғри жавоблари соғлом турмуш тарзи бўйича дастур асосида олиб борилган тадбирлардан сўнг ошганлиги аниқланди.

1-жадвал

**Соғлом турмуш тарзи бўйича илмий-назарий билимлар мажмуасига асосланган анкета-сўровнома натижаларининг тажриба якунидаги ўртача қийматлари**

Саволлар	Жавоблар							
	бошланғич		қуйи		ўрта		юқори	
	т.г	н.г	т.г	н.г	т.г	н.г	т.г	н.г
«health care» тамойиллари ва тушунчаси нима?	4	9	23	41	62	52	31	18
«health care» тамойилларига нималар киритилади?	6	12	21	38	61	50	32	20
«health care» қонуниятлари нималардан иборат?	5	10	22	40	63	51	30	19

«health care»нинг кундалик талаблари нималардан иборат?	6	9	21	41	64	53	29	17
«health care» мезонлари нималардан иборат?	7	11	20	39	62	49	31	21
«health care» шарт шaroитлари сизнинг OTM да мавжудми?	5	8	22	42	60	52	33	18
«health care» талабалар тафаккурида бўлиши учун сиз нима қилишингиз керак?	4	10	23	40	61	54	32	16
«health care» таркибига сиз нималарни киритган бўлардингиз?	7	13	20	37	64	55	29	15
«health care» тафаккури асосида саломатлик асослари нималардан иборат?	6	12	21	38	61	48	32	22
«health care» билан соғлом турмуш тарзининг фарқи нимада?	5	11	22	39	60	50	33	20
«health care»ни нима учун жорий этиш керак?	4	9	23	41	62	52	31	18

Ажратиб олинган талабаларнинг тажриба-синов гуруҳларида анъанавий таълим (маъруза, семинар машғулотлар, талабаларнинг мустақил ишлари) жараёни билан биргаликда ноанъанавий (интерфаол, дарсни технологик харита асосида ташкил қилиш) ва мазкур тадқиқот доирасида махсус таклиф этилган муаммоли педагогика усулларининг қўлланилиши, шунингдек, таълим жараёни билан ҳамкорликда таълимдан ташқари тарбия жараёнларининг узвий бирлиги натижасида талабалар билим ва кўникмаларининг кескин ошиши кузатилди.

Тажриба-синов ишлари тажриба аввалида ва якунида талабаларда соғлом тафаккурнинг шаклланганлик даражаларининг қиёсий натижалари қуйидаги жадвалда келтирилган.



2-жадвал

### Тажриба-синов натижалари

гуруҳлар	Тажриба аввалида		Тажриба якунида	
	Тажриба гуруҳи (120 нафар)	Назорат гуруҳи (120 нафар)	Тажриба гуруҳи (120 нафар)	Назорат гуруҳи (120 нафар)
Бошланғич	11,6%	11,4%	3,5%	9,8%
Қуйи	34,3%	33,5%	18,8%	31,7%
Ўрта	40%	38,9%	51,6%	41,5%
Юқори	14,1%	16,2%	26,1%	17%



Энди тажриба-синов ишлари аввалида ва якунида талабаларда соғлом тафаккурнинг шаклланганлик даражаларининг қиёсий натижалари гистограммаларини келтирамиз:



**3-расм. Талабаларда соғлом тафаккурнинг шаклланганлик даражаларининг қиёсий натижалари**

Таклиф этилаётган методиканинг самарали эканлигини асослаш мақсадида олинган натижаларни К.Пирсон томонидан киритилган  $\chi^2$  (хи квадрат) мезони бўйича таҳлил қилинди. Бунда кўрсатилган статистик мезоннинг қиймати математик статистика курсидан маълум бўлган қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\chi_{\text{кузатув}}^2 = \frac{1}{n \cdot m} \sum_{i=1}^l \frac{(n \cdot Q_{2i} - mQ_{1i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}} \quad (1)$$

бу ерда:  $n$  - тажриба гуруҳидаги талабалар сони,  $m$  - назорат гуруҳидаги талабалар сони,  $l$  – баҳолаш турлари сони бўлиб, улар тўртта: “бошланғич” [0;40) “қуйи” [40; 60) “ўрта” [60;80) ва “юқори” [80;100].  $Q_{1i}$  ва  $Q_{2i}$  - лар мос равишда тажриба ва назорат гуруҳларида талабалар томонидан олинган баҳолар сони. Эркинлик даражаси  $k = l - 1$  формула билан топилади ва у  $k = 4 - 1 = 3$  га тенг.  $\chi_{\text{критик}}^2$  нинг статистик жадвалларда келтирилган қиймати, қийматдорлик даражасини 0,05 деб олсак,  $\chi_{\text{критик}}^2(0,05/3) = 7,8$  га тенг. Бизнинг тажрибамизда  $l = 4$  ва  $m = n$  бўлганлиги учун (1) формула қуйидаги кўринишни олади:

$$\begin{aligned} \chi_{\text{кузатув}}^2 &= \sum_{i=1}^4 \frac{(Q_{1i} - Q_{2i})^2}{Q_{1i} + Q_{2i}} = \\ &= \frac{(Q_{11} - Q_{21})^2}{Q_{11} + Q_{21}} + \frac{(Q_{12} - Q_{22})^2}{Q_{12} + Q_{22}} + \frac{(Q_{13} - Q_{23})^2}{Q_{13} + Q_{23}} + \frac{(Q_{14} - Q_{24})^2}{Q_{14} + Q_{24}}; \end{aligned}$$

$H_0$  – нолинчи фараз (гипотеза) сифатида “тадқиқотимиз асосида ишлаб чиқилган талабаларда соғлом тафаккурни шакллантириш технологияси талабаларнинг билим, кўникма ва малакасига таъсир этмайди, балки тасодифийдир” ни,  $H_1$  – муқобил (алтернатив) фараз эса “Талабаларда соғлом тафаккурни шакллантириш технологияси талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига ижобий таъсир этади ва статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, тасодифий бўлмасдан қонунийдир” деб олинди.

3-жадвал

**Тажриба-синов майдончаларида олиб борилган ишларнинг якунида жамланмаларнинг статистик тақсимоти қуйидаги жадвалда келтирилган:**

Билим даражалари гуруҳлар	юқори	ўрта	қуйи	бошланғич	Талабалар сони ( $n$ )
Тажриба гуруҳи ( $Q_{1i}$ )	$Q_{11} = 31$	$Q_{12} = 62$	$Q_{13} = 21$	$Q_{14} = 4$	120
Назорат гуруҳи ( $Q_{2i}$ )	$Q_{21} = 20$	$Q_{22} = 50$	$Q_{23} = 38$	$Q_{24} = 12$	120

Бу жадвалдаги маълумотлар асосида (2) формула бўйича  $\chi^2_{кузатув}$  нинг қийматини ҳисоблаймиз:  $\chi^2_{кузатув} \approx 12,55$ .

Тажриба-синов якунида ўтказилган назорат натижаларига кўра  $\chi^2_{кузатув} \approx 12,55 > \chi^2_{критик} \approx 7,8$  бўлгани учун  $H_0$  илмий фараз рад этилди. Бундан келиб чиқадики, тажриба гуруҳларидаги талабаларнинг билим даражалари 95% ишончлилик билан назорат гуруҳидаги талабаларнинг билим даражасидан юқори.

## ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида маънавий ва жисмоний соғлом авлодни дунёга келтириш ва уни тарбиялаш ҳукумат олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, ушбу муаммо юзасидан 70 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва уларни амалиётга татбиқ этишнинг мақбул механизми ишлаб чиқилди.

2. Маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш ғояси тарихий характерга эга бўлиб, у инсониятнинг пайдо бўлиши билан ҳаётий эҳтиёж сифатида шаклланиб, мазмунан такомиллашиб келмоқда. Жумладан, ижтимоий эҳтиёж сифатида вужудга келган диний қарашлар (анимизм, фетишизм, тотемизм, буддизм), зардуштийларнинг муқаддас китоби Авесто, ислом маданиятининг муҳим манбалари Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифда, халқ оғзаки ижоди намуналарида инсоннинг соғлом ҳаёт кечириши соғлом тафаккурга эга бўлишининг гарови, жамиятни соғломлаштиришнинг муҳим омили эканлиги таъкидланган ва инсонлар соғлом туруш кечиришга чақирилган.

3. Ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарихий, этнографик, педагогик, психологик, ҳуқуқшунослик, тиббий ва бошқа илмий-методик адабиётларда илгари сурилган ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришга оид ғояларни узлуксиз таълим тизими амалиётида дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар мазмуни орқали улар онгига сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

4. Соғлом авлодни ривожлантиришда жисмоний баркамолликнинг пойдевори маънавий етуклик асосига қурилмоғи лозим. Ёшларда «health care» шаклланганлигини белгиловчи муҳим индекс маънавий маданият ҳисобланади. Маънавий маданиятли шахс тарбиясида халқ педагогикасининг жанрлари: достон, эртак, ривоят мақол, топишмоқ, тез айтиш, кўшиқ, маросим фольклори, болалар фольклори, эркалама ва овутмачоқлар кабилар муҳим восита ҳисобланади.

5. Ўзбекистонда таълим тизимининг қуйи босқичи (мактабгача ва бошланғич таълим)да бола шахсининг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда халқ ўйинлари орқали уларда соғлом турмуш маданияти индекслари ва индикаторларини ривожлантириш самарали кечади.

6. Меҳнат кадриятлари ёшларда «health care»ни ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Дарҳақиқат, ёшларни миллий ҳунармандчилик, касаначилик, замонавий касбни эгаллаш орқали ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялаш ҳукуратимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

7. Ёшларда «health care»ни ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш жараёнининг муваффақияти мазкур жараёнга нисбатан технологик ёндашувнинг қарор топиши билан кафолатланади. Ёшларда «health care»ни ривожлантиришда таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш механизмини яратиш ва уни амалга ошириш, ўқув фанларининг ўзига хос хусусиятлари, имкониятлари, шарт-шароитларини, «health care» шаклланганлик даражасини белгиловчи индекс ва индикаторларни аниқлаш, «health care»га эга шахс андозасини ишлаб чиқиш асосида тарбиявий мақсад ва вазифаларни шунга йўналтириш ижобий самаралар гаровидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.28.03.2018.Ped.02.05 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**МАТТИЕВ ИЛХОМ БЕГМАТДУЛОВИЧ**

**ФОРМИРОВАНИЯ МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ,  
НАПРАВЛЕННОГО НА ОХРАНУ ЗДОРОВЬЯ (НА ПРИМЕРЕ СФЕР  
БИЗНЕСА И ОКАЗАНИЯ УСЛУГ)**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ  
НАУКАМ**

**Самарканд - 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В 2017.2.PhD/Ped 135.**

Докторская диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNET” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Махмудова Муяссар Махмудовна</b> доктор педагогических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты::</b>	<b>Чориев Абдушукур Чориевич</b> доктор педагогических наук, профессор <b>Маъмуров Бахадир Бахшиллаевич</b> доктор педагогических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Узбекский государственный университет мировых языков</b>

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.28.03.2018.Ped.02.05 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована по № \_\_\_\_\_). (Адрес: 140104, город Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел.: (0366) 239-11-51).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года. (реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Х.Ибраимов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

**Ш.Ураков**

Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

**Н.Шадиев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

В мировой системе образования и обучения, происходят много инновационных изменений, специальное направление, обучающее здоровому образу жизни, направленное на сохранение здоровья *«здоровьесберегающая педагогика»* - (*“health care”*) развивающаяся быстрыми темпами. Физическое и психическое здоровье населения определяет уровень цивилизации государства и отражает устойчивое развитие нации. В связи с этим важно формировать мышление и потребности, направленные на поддержание собственного здоровья, наблюдается расширение научных исследований, что способствует повышению эффективности педагогики в инфраструктуре общественного здравоохранения.

Здоровье подрастающего поколения в мировой системе образования признано национальной ценностью любой нации, подход к этому вопросу как к важной социально-педагогической задаче и государственной перспективе, генофонд нации, экономическое развитие страны, интеллектуальный, антропогенный, его демографическое положение. Растет потребность в исследованиях по вопросам, определяющим развитие общества.

Это конструктивные и профилактические технологии, направленные на улучшение здоровья молодежи; внедрение систематических и интегрированных моделей в учебный процесс; использование инвариантно-дифференцированных технологий для защиты учащихся от вредных привычек; учебное заведение, социальные институты, новые подходы к рациональной организации валеологической и профилактической деятельности семьи и личности, которые показывают, что вопросы точки зрения, отношения, сущности, формы, критериев и улучшения спроса имеют особое значение.

Внедрение здорового образа жизни в республике является важной частью реформы системы образования, сегодня это приоритет стратегии развития нашей страны.

За годы независимости государственная программа «За здоровое поколение» стала приоритетом государственной политики.

Предмет «Валеология» преподается в высших учебных заведениях; принимаются меры по улучшению физической культуры и занятий спортом. В последние годы произошли фундаментальные изменения в области медицины. Концепцией развития медицинской системы на 7 лет до 2025 года принято более 130 нормативно-правовых актов в сфере здравоохранения.

Это, в свою очередь, способствует целенаправленным исследованиям по формированию мышления и потребностей, направленных на защиту здоровья населения. Постановление Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», и других нормативно-правовых документов по вопросам здравоохранения, это диссертационное

исследование внесет свой вклад в развитие данного направления, способствует реализации целей, изложенных в Указах и Решениях от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию высшего образования».

**Исследования соответствует приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и техники в Республике Узбекистан I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Социально-философские аспекты здорового мышления, здоровой культуры в нашей стране были рассмотрены в исследованиях таких учёных как: Т.Махмудова, С.Отамуродова, А.Очилдиева, Ж.Туленова, С.Шермухамедова, Э.Юсупова, А.Эркаева, У.Корабаева, некоторые психологические особенности исследований рассмотрены в работах Г.Шоумарова, В.Каримовой, Э. Гозиева, Н. Сафоева, З. Нишоной.

Вопросы о здоровом образе жизни, гигиеническом воспитании, а также о семейном воспитании были широко изучены в исследовательских работах О.Мусурмоновой, Д.Шариповой, М.Махмудовой, С.Р.Мухамадиевой, Ф.Абдурахимовой, и Т.Улматкулова.

Исследователи из стран СНГ И.Ю.Абросимова, М.З.Зангиева, Е.А.Меньш, В.Г.Паутов, Э.И.Поднебесная, Т.В.Каменская, А.Ф.Гиоргиевский провели исследования по педагогическим аспектам и проблемам формирования здорового образа жизни и здоровой культуры у молодежи.

Исследовательские работы зарубежных ученых, таких как Р. Бантон, Г. Макдональд, К. Тонс, С. Тилфорд, А. Скривен, С. Гарманн, посвящены вопросам здоровья человека, формирования здоровых ценностей и здоровой культуры.

Тем не менее, в вышеупомянутой исследовательской работе вопрос педагогических технологий формирования здорового образа жизни в сфере бизнеса и услуг не изучен и не определялся как объект исследования.

**Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, в котором выполнена работа.** Диссертация выполнена в рамках научно-исследовательского проекта Самаркандского государственного института иностранных языков «Педагогическо-психологические основы совершенствования учебного процесса» и «Программа комплексных мероприятий по совершенствованию научных исследований и развитию научного потенциала» (2017-2021).

**Цель исследования** совершенствование технологии формирования мышления направленное на сохранение здоровья у студентов, обучающихся в сфере бизнеса и сферы услуг.

**Задачи исследования:**

